

 ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

НАВБАҲОР ҚИШЛОҒИДА

120
ўринли

и мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди



Бағдод тумани марказидан 15 км. узоқликда жойлашган Навбахор қишлоғида янги, 120 ўринли мактабгача таълим таъшилоти биноси фойдаланишга топширилди. Эътиборлиси, смета баҳоси 5,5 млрд. сўмга баҳоланган ушбу муассаса инвестицион дастурларсиз, қишлоқ аҳолисининг ҳамжиқатлиги, таъаббускорлиги, тадбиркорларнинг ҳомилийги ҳамда туман раҳбарларининг қўллаб-қувватлаши, ҳудуд жойлашган сектор раҳбариги – туман прокурори Акмалжон Ҳасановнинг саъй-ҳаракатлари натижасида ҳашар йўли билан бунёд этилди.

ҳам қуриб берилди. Мактаб учун туман маҳаллий бюджетининг ортириб бажарилган қисмидан ҳам 360 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

Авваллари қишлоқ ёшлари шу ҳудуддаги 30-мактабнинг филиалида бошланғич таълими олишгач, юқори синфларда ўқиш учун ҳар кuni 2-3 км. пийда йўл босиб, қўшни қишлоқдаги мактабга қатнашган. Бу эса улар ва ота-оналар учун ноқулайликлар туғдирар эди. Шунинг учун ҳам янги бинонинг иш бошлаши қишлоқ аҳлини севинтирди.

Президент маслаҳатчиси Шуҳрат Ғаниев ва вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров мактаб биносини ва синфхоналарни кўздан кечирдилар, ўқувчилар ва мактаб жамоаси билан суҳбатлашдилар.

 ТАДБИРКОР – ЮРТГА МАДАДКОР

ОЧИҚ МУЛОҚОТ

экспортёрлар учун манфаатли бўлди

■ Сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорларнинг иқтисодиёт ва жамиятда тутган ўрни кескин ошиб, тадбиркорлик фаолияти барча соҳа, туман, қишлоқ ва маҳаллаларгача кириб борди. Тадбиркорлиқни ривожлантириш ҳамда бизнес муҳитини янада яхшилаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини ошириш борасида вилоятимизда ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.



Шу муносабат билан жорий йилнинг 5 февраль куни Фаргона шаҳридаги “Тадбиркорлар уйи” мажлислар залида вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Экспортчилари уюммаси, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳамда Ўзбекистон илмий-синов ва сифат назорати маркази - UzTest ДУК билан ҳамкорликда “Ўзбек маҳсулотларини дунё бозорига сифатли олиб чиқишга ўз ҳиссамизни қўшамиз” мавзусида очик мулоқот

Ўтказилди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Нуриддин Мамажонов ва Алибек Турсунов, Ўсимликлар карантини ва химияси агентлиги директори Бирхоним Эргашев, Ўзбекистон Экспортчилари уюшмаси раиси Ёрқин Маликов, вилоятимиздаги йирик тадбиркорлик субъектлари ҳамда саноат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспортчи корхоналари вакиллари, тегишли маъсуллар иштирок этдилар. Шу-



нингдек, республикаимизнинг бошқа вилоятларидан ҳам тадбиркорлар ва экспортёрлар Zoom платформаси орқали онлайн қатнашдилар.

Очиқ, самимий руҳда ўтган мулоқотда вилоят ҳокимиини ўринбосари Нуриддин Мамажонов мазкур учрашув экспортёрларнинг фаолиятидаги ютуқлар билан ўртоқлашиш ва юзга келаётган муаммолар, таклифлар бўйича фикр алмашиш мақсадида ташкил этилганлигини алоҳида қайд этди.

Тадбирда сўз олган Ўсимликлар карантини ва химияси агентлиги директори Иброҳим Эргашев 2024 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт ҳажмини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида ҳамда маҳаллий маҳсулотларимизни ташқи бозорларга сифатли етказишда ишончли логистика занжирлари-

ни ташкил қилиш, минтақавий ва йирик халқаро лойиҳаларни жадаллаштириш, товар ва маҳсулотларни божхона режимида қайта ишлашни кенгайтириш бўйича алоҳида тўхталиб ўтди. Бундан ташқари, барча маҳсулотларни дунё бозорлари талабларига мос, табиий равишда, шу билан бирга, ҳар бир маҳсулотни илмий жиҳатдан ёндашган ҳолда етиштириш зарурлигини ҳам таъкидлади.

Шу билан бирга, илғор технологиялар асосида тўлиқ ишлаб чиқариш занжирини қамраб олган вилоятимиздаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг ҳаҳон бозорларидаги қилиб бориши ва юқори нархларда сотилаётганлиги таъкидланди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, 2023 йилда вилоятимизда фаолият олиб бораётган 769 та экспортёр корхоналар томонидан жами 722 миллион долларлик саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти амалга оширилди.

Мазкур йўналишларда бу йил ҳам кутилган натижаларга эришиш бўйича иш ташкил қилиш тушунтирилди.

Учрашувда 2024 йилда қишлоқ ҳўҳжалиги масўҳўларларининг экспорт ҳажмини ошириш чора-тадибирлари, мева-сабзавот масўҳўларининг экспортга сифатли таёрлашининг аҳамияти, хорижий харидор топиш йўллари ва соҳага доир бошқа масалалар бўйича масўҳўлар томонидан тақдимотлар ўтказилиб, керакли тавсия ва тушунчалар берилди.

Тадбиркорлар экспорт соҳасида мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш бўйича ўз тақлифларини билдириб, фаолиятларида юзага келаётган турли саволлар юзасидан масўҳўлардан жавоблар олдилар.

Албатта, бу каби тадбирларнинг очик мулоқот тарзида ўтказилиши ҳар икки тараф учун ҳам манфаатли бўлиб, муаммо ва камчиликларнинг бартараф этилишида муҳим омил бўлади.

**Алишер ШОКИРОВ,
Шарофиддин ҲАКИМОВ.**
М.ТЎЛАНОВ олган суратлар.

**ФАРҶОНА
ҲАФТА ИЧИДА**

КОРЕЯЛИК ТАДБИРКОРЛАР – ВИЛОЯТИМИЗДА

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Корея-Ўзбекистон Бизнес ассоциацияси вице-президенти Эдвард Ким, Кореядаги "Sun Moon" университети президенти Сон Же Мун, Чунчоннам-до провинцияси расмийлари ҳамда корейлик тадбиркорлардан иборат делегацияни қабул қилди.



Учрашувда Фаргона ва Корея Республикаси ўртасида ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш масалалари, шунингдек, таълим, маданият ва ахборот технологиялари соҳаларида амалга ошириш режалаштирилаётган инвестициявий ва ижтимоий лойиҳалар муҳокама қилинди.

2023 йил март ойида вилоят ҳокими бошчилигидаги Фарғона вилоти делегациясининг Корея Республикасида амалий ташири давомида Кореянинг энг йилор олий гоҳларидан бири бўлган, дуненинг 76 та мамлакатидан келган 2000 нафарга яқин хорижий талабаларга ҳам илм бераётган, нуфузли “Sun Moon” университети билан қўшма дастурларни амалга ошириш, илмий тадқиқотлар олиб бориш борасида ҳамкорлик қилиш, корейлик профессор-ўқитувчиларни Фарғонага жалб қилиш, илмий форумлар ташкил этиб бориш, қўшма тадқиқот ва ишланмаларни йўлга қўйиш каби масалалар юзасидан Ҳамкорлик меморандуми имзоланганди. Бугунги кунда 150 нафардан зиёд фарғоналик ёшлар ушбу

олийгоҳда таълим олмоқдалар. Учрашувда ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш борасида фикр алмашилди.

Чунчоннам-до провинцияси расмийлари билан мулоқот чоғида Фаргона вилояти ҳамда Чунчоннам-до провинцияси ўртасида 2023 йилда Дўстлик ва ҳамкорлик меморандуми доирасида амалга оширилаётган ишларнинг бориши қўриб чиқилди, келгуси режалар бўйича келишиб олинди. Жорий йил апрель ойида Чунчоннам-до провинцияси губернатори раҳбарлигидаги делегациянинг вилоятимизга ташифи амалга оширилиши маълум қилинди.

Вилоят раҳбарининг таклифига кўра, Чучуннам-до провинциясидаги "Sun Moon" университети жойлашган Асан шаҳри билан Қўқон шаҳри ўртасида Биродарлашган шаҳарлар ҳамкорлиги ўрнатилиши белгиланди. Ахборот технологиялари соҳасида вилоятимизда инвестицион лойиҳаларни амалга ошириши истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўз мухбиримиз.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШДА АХБОРОТ БЕРИШ ВА РЕКЛАМА

Самарали мулоқот стратегияси, шунингдек, кенг камровли реклама ва ахборот кампаниялари муваффақиятли рўйхатга олишни таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Бу, айниқса, аҳолини рўйхатга олиш жараёнида респондентлар ёки маълумотни йиғувчи ва маълумотларни қайта ишловчи шугулланадиган вақтинчалик ходимлар сифатида иштирок этиши назарда тутилган рўйхатга олишда сўров усулидан қисман ёки тўлиқ фойдаланадиган мамлакатлар учун жуда долзарб. Бироқ, аҳоли билан тўғридан-тўғри алоқалар минималлаштирилиши мумкин бўлган рўйхатга олиш усуллариغا рўй қаратилган мамлакатларда ҳам, асосий манфаатдор томонлар билан мулоқот, шу билан бирга, рўйхатга олиш натижаларининг долзарблиги ва мавжудлиги каби тарқийбий қисملарга нисбатан мақбул сифат даражасини таъминлаш учун муҳим роль ўйнайди Самарали мулоқот стратегияси, шунингдек, кенг камровли реклама ва ахборот кампаниялари муваффақиятли рўйхатга олишни таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Бу, айниқса, аҳолини рўйхатга олиш жараёнида респондентлар ёки маълумотни йиғувчи ва маълумотларни қайта ишловчи шугулланадиган вақтинчалик ходимлар сифатида иштирок этиши назарда тутилган рўйхатга олишда сўров усулидан қисман ёки тўлиқ фойдаланадиган мамлакатлар учун жуда долзарб.

Бирок, аҳоли билан тўғридан-тўғри алоқалар минималлаштирилиши мумкин бўлган рўйхатга олиш усулларига риоя қилган мамлакатларда ҳам, асосий манфаатдор томонлар билан мулоқот, шу билан бирга, рўйхатга олиш натижалари нинг долзарблиги ва мавжудлиги каби таркибий қисмларга нисбатан маълум сифат даражаларини таъминлаш учун муҳим роль ўйнайди.

Рўйхатга олишни режалаштириш босқичида қўлбал маффаатдор томонлар билан маслаҳатлашув, томонлар фойдаланувчиларнинг талабларини кондирити, сўровноманинг оптимал тузилишини ишлаб чиқиш, методологияни тасдиқлаш, ишчи ҳамкорлиқни йўлга қўйиш ва техник кўрсатмаларни аниқ тушуниш учун зарурдир.

Рўйхатга олишни ўтказиш босқичида реклама ва ахборот кампаниялари аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида хабардор қилиш, шунингдек, аҳолини рўйхатга олишда иштирок этишни таъминлаш ва рағбатлантиришга қаратилган зарур маълумларни тақдим этиш учун зарурдир. Одатда, аҳолини рўйхатга олиш жараёнида барқарор иштирок этиш кўрсаткичини таъминлаш мақсадида мамлакат бўйлаб етиб бориш қийин бўлган аҳоли гуруҳларини аниқлашга ва улар билан мақсадли ишлашга алоҳида эътибор қaratилади.

Элёрбек НОРМАТОВ,
Олтиариқ тумани статистика
бўлими бошлиғи.

янги
тараққиёт
стратегияси

Маълумки, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида 5 та устувор йўналиш бўйича 100 та муҳим мақсад ўз аксини топган бўлиб, мазкур ҳужжат орттирилган тажриба, халқаро экспертиза ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилди.

Ўз навбатида, Давлатимиз раҳбари томонидан 2023 йил 11 сентябрда имзоланган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор ушбу ҳужжатнинг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Стратегияда белгиланган йўналишларнинг барчасида аҳоли, яъни халқ ва мамлакат манфаатлари биринчи ўринга қўйилди.

Жумладан, Стратегиянинг устувор йўналишларидан бири “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш” бўлиб, унда барча муаммолари масалаларга ечим топилган. Булар эса қуйидагилар:

- узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш;
- таълим муассасаларини куриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория асбоблари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирларни куриш;
- мактабгача таълим муассасалари тармогини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш;
- умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллари, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим

ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш;

- болаларни спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга, уларни мусиқа ҳамда санъат дунёсига жалб қилиш мақсадида янги болалар спорти объектларини, болалар мусиқа ва санъат мактабларини куриш, мавжудларини реконструкция қилиш;
- касб-хунар коллежлари ўқувчиларини бозор иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш;
- таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш;
- илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари хузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш.

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси нафақат юртимизнинг келгуси етти йиллик тараққиётини, бал-

ки унинг узоқ йиллик ривожланиш стратегиясини белгилаб берувчи муҳим ҳужжатдир. Унда белгиланган мақсадларнинг ижроси ўз вақтида таъминланиши эса давлат ва жамоатнинг ҳар томонлама жадал ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Дунёдаги илғор тажрибалардан нафақат хабардор бўлиб бориш, балки уларни пухта ўрганиш ҳам муҳим эҳтиёж. Бунинг учун эса катта платформа керак. Фарғона политехника институти ҳам аниқ стратегик мақсадни белгилаб, айни шу масъулиятли вазифани муваффақиятли ўташ учун тизимли ишларни бошлаб юборган.

Хусусан, Президентимизнинг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги ҳамда 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонларида белгиланган вазифалар ва мақсадлар негизида Фарғона политехника институти 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси шакллантирилиб, ишлаб чиқилди. Мазкур стратегияда замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган, юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, илгор таълим технологияларига асосланган тизимли шакллантириш каби муҳим йўналишлар белгиланган. Ушбу белгиланган тизимли ишларни босқичма-босқич амалга ошириш ишлари йўлга қўйилди.

Жумладан, 2024 йилда, энг аввало, ўқув жараёнлари сифатини ошириш ва оптималлаштиришни давом эттириш, халқаро эътироф этилган рейтингларда муносиб ўрин эгаллаш, илмий мактаблар фаолиятини такомиллаштириш, илмий ишланмалар ҳамда билим ва кўникмаларни тижоратлаштиришнинг самарали экотизимини босқичма-босқич ташкил этиш, илгор муҳандислик мактабларини очиш, истиқболли йўналишларда марказлар салмоғини ошириш, институтнинг бренд сиёсатини янада такомиллаштириш каби бир қанча стратегик мақсадларни белгилаб олиб, “Йўл харитаси” ишлаб чиқдик.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда мамлакатимизда таълим соҳасидаги ислохотлар замонавий тенденцияларга мос ҳолда ривожланиб бормоқда. Шубҳасиз, сифатли таълим янги марраларни эгаллашга олиб келадиغان энг қисқа ва оқилона йўлдир.

Шерзод ДЕҲКАНОВ,
Фарғона политехника институтининг ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори.

ЁШЛАР КЕЛАЖАГИГА
БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ!

Халқаро ҳамжамият ҳар қандай мамлакат тараққиётида соғлом ва баркамол, ташаббускор, замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган ёшлар ўта муҳим ўрин тутушини алоҳида эътироф этади. Хусусан, БМТ бош котиби Антониу Гутерриш тинчлик, фаол иқтисодий ривожланиш, иқтимоий адолат, бағрикенгликни таъминлаш – буларнинг барчаси ва яна кўп нарсалар ёшлар имкониятларидан фойдаланиш билан боғлиқ эканини таъкидлайди.

Мамлакатимизда, аввало, ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириб бориш мақсадида «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Шунингдек, 30 июнь – «Ёшлар куни» деб эълон қилинди. Тури соҳаларда юксак натижа ва ютуқларга эришадиган фидойий ёшларимизни рағбатлантириб бориш мақсадида «Мард ўғлон» давлат мукофоти ва «Келажак бунёдкори» медали таъсис этилди. Ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш вазифаларини ўз ичига олган бешта муҳим ташаббус ҳам самарали амалга оширилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бугунги глобаллашув даврида ёшларнинг дунёқароши қўн сайин ўзгариб бормоқда. Айни пайтда ёшларни ҳайратлантириш, уларнинг кўнглидан чуқур жой оладиган лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳам бирмунча қийинлашиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири уларнинг тезкор интернет, замонавий ахборот коммуникацияларидан фаол фойдаланиши, дунёда рўй бераётган янгиликлар, воқеа-ҳодисалардан ўз вақтида хабардор бўлиши билан ҳам изоҳланади. Шу сабаб ёшлар билан ишлашда мутлақо янги, илгари мавжуд бўлмаган механизмлар, метод ва услублардан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Ёшларнинг ижтимоий фаолиятини ошириш, уларда ижодкорлик, креативлик қобилиятларини янада ривожлантириш мақсадида қатор янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, 2018 йил Ёшлар иттифоқи томонидан ҳаётга татбиқ этилган “MODUL S” лойиҳаси фикримизнинг ёрқин исботидир. Ушбу лойиҳада юртимиздаги ўз ичининг устаси бўлган ҳамда ҳаётида қатор ютуқларга эришган йигит-қизлар маҳорат маърузалари билан иштирок этиб, тенгдошлари билан ўз тажрибаларини бўлишадилар.

Бугун мамлакатда ёшларнинг қўнуний ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Ёшлик – бу жўшқинлик, энг сермахсул ижодкорлик даври. Шу билан бирга, ушбу даврда ўғил ва қизлар нисбатан қўллаб-қувватлашга, катталар диққат-эътиборига

муҳтож бўлади. Халқаро миқёсда ёшлар муаммоларига эътибор қаратиш заруратига ҳам шу омиллар сабабдир.

Буюк немис файласуфи Гёте шундай деган: “Тарч бутун дунё олға ҳаракат қилаётган бўлса ҳам, ёшлар бу жараёни ҳар сафар янгидан бошлаши керак”. БМТ доирасида ва ушбу ташкилотдан ташқарида ҳам ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш масаласи тобора кўпроқ муҳокама марказида бўлиб келмоқда ва глобал ривожланиш даврида ушбу масалада бир неча қадам олдинга ташлаш тақозо этилмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ва Президентимизнинг бешта муҳим ташаббуси доирасида қатор муҳим вазифалар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси, уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” қабул қилинди. Концепцияда ҳал этишга қаратилган асосий вазифалар қаторидан жисмонан соғлом, маънан ривожланган йигит-қизларни тарбиялаш, уларнинг илмий ва ижодий салоҳиятларини рўёбга чиқаришга қўмаклашиш, ҳуқуқ ва эркинликларни, манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларни мамлакатда амалга оширилаётган демократик, ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий ислохотларга фаол жалб этиш масалалари ўрин олган.

Ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолашнинг ягона мезонлари, ёшлар сиёсатини баҳолашнинг миллий кўрсаткичи ишлаб чиқилмоқда. Шу билан бирга, энг муҳим вазифани ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда: бу ҳам бўлса, ёшлар бандлигини таъминлаш, уюшмаган ёшларнинг ижтимоий фаолиятини ривожлантириш, муносиб даромад олиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда олиб борилаётган ёшларга доир барча ислохотлар уларнинг таълим-тарбия олиши, шунингдек, Ватанимиз тараққиётидаги масъулияти ва ўрни юксалиши, турмуш даражасини яхшилаш, соғлигини асраш масалаларида бир қатор ижобий натижаларга эришиш имконини беради.

Шукрулло ҚУНДУЗОВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори.

Табииyki, инсоннинг болаликдаги орзу-ҳаваслари чегара билмайди. Ёшлигимизда қайси бир касб эгасининг фаолиятига эътибор бериб қолсак, ўша кишининг изидан боришга ҳавасманд бўлиб қолаверамиз. Шу боис болаликдаги орзу-ҳавасларнинг аксарияти ўткинчи бўлади. Лекин орамизда беғубор даврдаги ниятлари ижобат бўлиб, болаликда орзу қилган касбининг бошини тутган ҳамюртларимиз ҳам бор. Бугунги мақоламиз қаҳрамони, қўли енгил жарроҳ Камолиддин Раҳмонов ҳам болаликдаги орзусига эришган бахтли инсонлардан биридир.

– Оиламиз аъзолари, ҳатто узоқ-яқин қариндошларимиз ичида ҳам шифокорлар бўлмаган, – дейди Камолиддин. – Бироқ ҳаётимизни шифокорларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Оиламизда ҳам кимнингдир соғлиғида муаммо пайдо бўлса, маҳаллий шифокорлар уйимизга ташриф буюриб, керакли муолажаларни амалга ошириб кетишарди. Айниқса, оқ халати ўзига жуда ярашган, бутун кишлоғимиз ҳурматини жойига қўядиган шифокор Улфатжон Низомовнинг фаолиятига ҳавас қилардим. Айнан шу ҳавас туфайли олис болалик давримдаёқ менда шифокор бўлиш истағи пайдо бўлган.

Болаликдаги орзусининг ижобати учун кўнгли билан ўқиш кераклигини дилдан ҳис қилган Камолиддин тиббиёт йўналишидаги олий таълимга кириш учун астойдил тайёргарлик кўргани боис Андижон давлат тиббиёт институтига кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, орзусининг ижобати учун дастлабки қадамни ташлади.

“Олтин давр” деб айтиладиган талабалик йилларига ҳар ким ҳар хил ёндашади. Кимдир амал-тақал қилиб диплом олиш истағида бўлса, кимдир келгусида малакали касб эгаси бўлиш учун таълим олиш билан бирга, ўз устида жиддий ишлайди. Камо-

✓ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ

“ЎЗБЕКИСТОНГА
ҚАЙТГАНИМ – БАХТИМ!”

дейди 18 йил давомида Россиянинг Москва шаҳридаги дунёга машҳур А.Н.Бакулев номидаги юрак-қон томир жарроҳлиги илмий-текшириш марказида фаолият юритган тажрибали шифокор Камолиддин Раҳмонов



лиддин дарсдан ташқари пайтларда ҳам устозларини тинч қўймасди. Ўтирган мавзуларга чуқурроқ ёндашарди. Айниқса, ўзаро ҳамкорлик асосида талабаларга сабоқ бергани келган хорижлик малакали мураббийларнинг дарсларига астойдил қатнаш, улар билан қўшимча дарс ўқишга ошиқарди. Ўз навбатида, олдида малакали шифокор бўлишни жиддий мақсад қилиб олгани, бу борада тиришқоқлик билан ҳаракат қилгани туфайли АДМИДаги устозлар ҳамда хорижлик мураббийларнинг эътиборига тушганди. Шу сабаб россиялик малакали шифокор устозлардан бири уни Москвадаги дунёга машҳур, бир йилда 17 мингтадан ортиқ юрак соҳасидаги операциялар амалга ошириладиган А.Н.Бакулев номидаги юрак-қон томир жарроҳлиги илмий-текшириш марказининг аспирантурасига тақлиф қилди.

Мазкур тиббиёт масканидаги фаолияти давомида Камолиддин Раҳмонов ўз касбининг чин маънодаги устаси даражасига етди. Мураккаб операциялар жараёнида иштирок этиб, тажриба тўплади. Клиниканинг энг тажрибали ходимлари сафидан жой олди.

Хулоса сифатида шунини айтишимиз мумкинки, чиндан ҳам кейинги йилларда тиббиёт халққа яқинлашди. Мамлакатимиз Президентининг эътибори билан авваллари фақат хорижий давлатларда амалга ошириладиган мураккаб турдаги жарроҳлик амалиётларини вилоятларда ҳам ўтказиш имконияти яратилди. Бу ижобий жараён, табиийки, Камолиддин Раҳмонов каби хорижий мамлакатлардаги нуфузли клиникаларда фаолият юритаётган юқори малакали шифокорларнинг юртимизга қайтishiга замин яратмоқда.

Мўйдинжон СОБИТОВ,
“Янги Фарғона” мухбири.
Мукимжон ҚОДИРОВ
олган сурат.

9 февраль – Алишер Навоий таваллуд топган кун

Навосиз улуснинг навобхши бўл, Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл.



Фарида АНИС (Турсунова) 1968 йил 26 февралда Фарғона вилояти Риштон туманидаги Бўжай қишлоғида туғилган. У 1991 йилда Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институтини тамомлаган. Фарғона политехника институтини доценти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Фарида АНИС – “Ойдин йўлим” (2011), “Отам-нинг орзулари” (2012), “Сабри осмоним онам” (2018) каби шеърӣ тўпламлар муаллифи. Ижод намуналари “Ғазал ғизоли” (2021), “Фарғона ойдинлари” (2023) тўпламларидан ўрин олган. Шеърлари инглиз, араб, италян, ҳинд, озар, турк, тожиқ, қирғиз, қозоқ тилларига таржима қилинган. Алишер Навоий ғазалларига боғлаган тахмислари Марказий Осиёнинг “Олтин китоби” (2022. Тожикистон)дан жой олган.

НАВОЙ ҒАЗАЛИГА ТАХМИС

*Ул парирӯ, хур малак кўрмоғ бизга ор эмиш,
Кўнглининг кўчалари ҳам биз ғариба тор эмиш,
Анга дил изҳор этарлар кўйида зор-зор эмиш,
Ошиқ ўлдим, билмадим, ёр ўзгаларга ёр эмиш,
Оллоҳ-Оллоҳ, ишқ аро мундоғ балолар бор эмиш.*

*Во ажаб, кўнгли санамнинг, қалби ўтлуғ нурдадир,
Дилхуморим сўрсанг, асли, ул малоик, ҳурдадур,
Не қилай, хаста нигоҳим бир забаржад, дурдадур,
Қаддига эл майли бўлгандин кўнул озурдадур,
Ул алифдин зорларнинг ҳосили озор эмиш.*

*Сарғариб кетган самон дер юзларимни кўрса ким,
Наймикин дер ўтда куйган ҳолими гар сўрса ким,
Дасталаб лола терурлар қалб уйшма кирса ким,
Элга новак урди, мен ўлдим, эрур бас турфақим,
Жоним этган реш эл бағрига кирган хор эмиш.*

*Дилгинамнинг чокларин дилдор сўкди, англадим,
Кўл-кўл ашқим сувиши денгизга тўкди, англадим,
Сарведк қаддим, ҳайҳот, тиғи букди, англадим,
Риштаким муҳлик ярам оезини тикти, англадим
Ким, кафан жинси қароғидин суеурган тор эмиш.*

*Ёр, ишқим тоғ эрмас, тик забардаст қоядек,
Дилни йўрғак айлағувчи меҳрибон чин Доядек,
Розидурман бўлса ҳамки, зора, пиллапоядек,
Кўйи деворидин оериқ танга тушган соядек,
Сели гамдин эмди соя ўрнига девор эмиш.*

*Боғлабон кўнглини ёра юрма сарсонлиг била,
Асрама кўксингда оғу доғи ямонлиг била,
Қуввати бўлгин Аниснинг ишқи қурбонлиг била,
Эй Навоий, ҳўбларни кўрма осонлиг била
Ким, бировким солди кўз, узмак кўнгул душвор эмиш.*

МУВАШШАҲ

*Нур берур деб ҳар кўнгулга нурбарахшон сўзларин,
Кўзга суртай дур битигин пат сиёҳин изларин.*

*Андалиб қилгай элини битган ул ашғори-я,
Тошораклар сел ўлуркин, парчалар санг музларин.*

*Васлини истаб бисотин титқилармиз ҳар қачон,
“Хамса”си кўзларга нурдир, очадур кўр кўзларин.*

*Оразини қил тасаввур Қайсми, Фарҳодидан,
Англаса ҳар бир элининг қолмагай гўр, бўзларин.*

*Излаган топгай Мадина Мир Алишер мулкидин,
Байтлариди мавжланурқин он Ҳазрат ўзларин.*

*Йўллағай халқига раҳмат ёмғири янглиг илм,
Томчисидин бул Аниснинг бол ўлуркин тузларин.*

Фарида АНИС.



МУТАФАККИР ҒОЯЛАРИ – УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ

Бугунги кунларга етиб келишимиз, амалга ошираётган янги ислохотларимиз негизда Навоий даҳосининг ўлмас ғоялари ҳам мужассамдир. Биз Навоий ижодини, арбоблик фаолиятини ўрганар эканмиз, унинг ҳаётини ва бадий концепциясида инсон, унинг камолотига эътибор марказий ўринда турганлигини англаймиз. Хусусан, сифатли таълим масаласи доимо унинг диққат марказида бўлиб, Уйғониш даврининг бош омили даражасига кўтарилган.

Бугун биз катта эътибор қаратаётганимиз – мактабгача таълим, бошланғич таълим тизимларига Алишер Навоий ўз даврида асос солган. Яъни бу борада ўз тақлифлари билан Хусайн Бойқарога махсус фармон имзолатида. Унга кўра, ҳар бир маҳалланинг саводли кишилари, имом-хатиблари халқнинг ўғлон ушқлари – кичик болаларни тўплаб, уларга сабоқ бериш йўлга қўйилади.

Кейинги босқич олий мадраса тизими бўлиб, Навоий Ҳиротда ўз ҳисобидан тўртта мадраса қурдиради. Уларнинг ҳар бирида 500 нафардан талаба таҳсил олган. Талабаларнинг ўзлаштиришига қараб, ойлик стипендиялар жорий

қилган. Энг эътиборлиси, толиби илмларнинг таътил вақтида бўш юрмаслиги, тирикчилик сабаб бошқа юмушларга чалғимаслиги учун кунлик озиқ-овқат – ошлик билан, яшаш учун хужралар – ётоқхоналар билан моддий жиҳатдан таъминлаб турган. Уша давр толиблари учун Навоий чин маънода устоз, пир, адабий раҳнамо, илм-фан ҳомийси даражасига кўтарилган.

Илм-фанга юксак эътибор сабаб толиблар ичидан Камолиддин Беҳзод бошчилигидаги мусаввирлар мактаби, Мирак Нақош бошчилигидаги нақошлар мактаби, Султонали Машҳадий бошлиқ хаттотлар мактаби, Хондамир бошчилигидаги тарих-

чилар мактаби асосчилари етишиб чикди. Бу каби мактаблар Иккинчи Уйғониш давридаги сифатли таълимга бўлган эътиборни кўрсатади.

Яна бир маълумот. Абу Али ибн Синога бир умрлик орзу бўлган беморга ташхис қўйиш учун ҳақимлар маслаҳат кенгаши, бугунги кунда консилиум деб аталувчи тизимга ҳам Навоий ўз даврида асос солади. “Шифоия” мадрасасида малакали ҳақимларни тўплаб, улар учун уй-жой ажратади.

Биз юқорида санаб ўтган, улуг аждодимиз арбоб сифатида асос солган тизимларнинг бугунги кунда, ўз ҳаётимизда ҳам амалга оширилаётганини кўриб, фахрланамиз ва эртанги

кунга ишончимиз ортади.

Мутахассис сифатида таъкидлашимиз ўринлики, Алишер Навоий ижоди ва фаолиятини чуқурроқ ўрганиш, унинг янгиликларини бугунимизга кўпроқ жорий қилиш бизни Учинчи Ренессансга яна ҳам яқинлаштиради.

Бу йўлда барчамизга Навоийни англаш бахти ёр, ҳазрат руҳи мададкор бўлсин!

Рустам УМРЗОҚОВ,
ФарДУ адабиётшунослик кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Эҳтиром тадбири

Сўз мулкнинг султони, мумтоз адабиётимизнинг буюк намоёниси Мир Алишер Навоий таваллудининг 583 йиллиги муносабати билан севимли масканимиз – Фарғона шаҳридаги Президент мактабида “Навоийни англаш – ўзликни англаш” номли маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Нафақат Навоий меросини ўрганиш ва ёъозлаш, балки янги авлод қалбида бобомизнинг ижодига меҳр уйғотиш мақсадида таъкилланган тадбирда Фарғона давлат университети ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори Муқаддамхон Эҳсонова ҳамда Шарқий ҳарбий округ Ҳарбий ҳаво кучлари хизматчилари иштирок этдилар.

Тадбирда сўз олганлар буюк мутафаккирнинг ҳаёти, ижоди, қолдирган бой маънавий меросининг жаҳон ҳамжамияти, хусусан, дунё адабиётида тутган ўрни ҳақида кенг маълумот бердилар. Давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий ижоди ва ҳаёт йўлини ўрганиш ёш авлодни комил инсон сифатида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этиши ўқувчиларга содда ва самимий тилда, ҳаётий мисоллар ёрдамида тушунтирилди.

Тадбир давомида тенгдошларимиз томонидан Алишер Навоий ғазалларидан намуналар ўқилди, кўшиқлар ижро этилиб, шоир асарлари асосида яратилган сахна кўренишлари намойиш қилинди.

Мактаб йўлқлари Алишер Навоийнинг ғазалу рубойлари, фарду китъаларининг



оҳанглари билан тўлди. Ўқувчиларнинг ҳаяжонли суҳбатлари шоир асарларининг таҳлили ва аҳамияти ҳақида қизгин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Синфимиз билан биргаликда буюк мутафаккир бобомизнинг китъаларини ифодали ўқиб, шарҳлаётган пайтимизда ҳаяжон ва масъулият туйғусини ҳис этдик. Гўё бобомиз ўз асарлари билан биз – ёшларга панд-насихатлар айтиб кетгандек...



Буюк мутафаккир бобомиз меросини қанчалик кўп тарғиб этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришга, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришга шунчалик кўп ҳисса қўшган бўламиз.

Беҳронабону ҒАНИЕВА,
Фарғона шаҳридаги Президент мактаби ўқувчиси.

■ Ижодий учрашув

УСТОЗ – ЁШЛАР ҲУЗУРИДА



Фарғона шаҳридаги 4-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабида шахар маданият бўлими ташаббуси билан санъат ходимлари ҳамда ижодкор ёшлар иштирокида Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадсоли Юсупов билан ижодий учрашув ташкил этилди.

Мазкур санъат мактаби ҳамда “Нуроний” жамғармаси Фарғона шахар бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбирда маҳоратли актёр, режиссёр, педагог, бир сўз билан айтганда, тажрибали устоз ўзининг ҳаёт ва ижод йўллари, ижодий фаолияти давомида эришган ютуқлари, “Темир хотин”, “Ҳокими мутлоқ”, “Нурхон”, “Тошкентга саёҳат”, “Амир Темура ва Тўхтамишхон” каби

қатор спектакль ва кинофильмларда ижро этган роллари ҳақида гапириб берди.

Шунингдек, Муҳаммадсоли Юсупов ўсиб келаётган ёш авлод вакилларига санъатни севиш ва қадрлаш, ўз навбатида, ёшларга берилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланишлари ҳақида сўз юритиб, зарур тавсия ва маслаҳатлар берди.

Учрашув давомида ижодкор ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

Тадбир якунида 4-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби ижодий жамоаси томонидан концерт дастури намойиш этилди.

Матн ва суратлар муаллифи:
Шамсиддин ҚОРАБОЕВ.



✓

ФАРМОН ВА ИЖРО

СУВ ХЎЖАЛИГИ
СОҲАСИДА ЯНГИ
ИНСПЕКЦИЯ
Унинг вазифалари
нималардан иборат?

Сувдан самарали фойдаланиш барча мамлакатларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши учун муҳимдир. Айниқса, иқлим шароити мураккаб бўлган Ўзбекистон учун сувни тежаб ишлатиш масаласи доимо долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 июндаги “Маъмурий ислохотлар доирасида сув хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониغا асосан “Сувхўжаликназорат” инспекцияси ташкил қилиниб, унинг асосий вазифалари белгилаб берилди. Хусусан, ўта муҳим гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги, ишончли ишлаши ҳамда кўриқланишини назорат қилиш, уларнинг хавфсизлиги, ер усти сувлари объектларида сувнинг оқибатига бошқарилиши, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қондаларига риоя этилишини назорат қилиш кабилар инспекциянинг вазифалари сифатида белгилаб берилди. Бундан ташқари, ирригация тизимлари ва сугориш тизимларидан фойдаланиш жараёнида уларнинг барқарор ишлашини назорат қилиш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш чораларини кўриш юзасидан комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ҳам ушбу вазифалар сирасига киради.

Фарғона вилоятида 14 та йирик гидротехник иншоотлар бўлиб, айни пайтда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

“Сувхўжаликназорат” инспекцияси ваколат доирасида жойларда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибига риоя этилиши устидан доимий назорат тадбирларини ўтказиб келмоқда. Шу кунга қадар ўтказилган назорат тадбирларида 259 та ҳолатда экин майдонларини кўллаиб сугориш, 131 та ҳолатда рухсатсиз ва шартнома тузмасдан сув олиш, 32 та ҳолатда сувни бошқариш ва ўлчаш воситалари билан жиҳозламасдан сув олиш каби ноқонуний ҳолатлар аниқланди. Ушбу ҳолатлар юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилиб, огоҳлантириш хатлари берилди ҳамда маъмурий чоралар қўлланилди. Шунингдек, 27 та ҳолатда сув олди-бердисидagi низоли масалалар бартараф этилди, 73 та ҳолатда сув етказиб беришда амалий ёрдам кўрсатилди ҳамда 450 та ҳолатда услубий ва тавсиявий ёрдам кўрсатилди.

Ер юзи аҳолисининг учдан бир қисми сув ресурсларига нисбатан ўта оғир муҳтожликни бошидан кечираётган бир пайтда, сувни асраб-авайлаш, ундан тежамкорлик билан фойдаланиш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини унутмайлик.

Дилшод ҲАЙИТОВ,
“Сувхўжаликназорат” инспекцияси бошлиғи.

Мазкур тадбирда соҳа мутасаддилари, ОАВ ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар. Очиқ мулоқот кўринишида бўлиб ўтган брифингда журналист ва блогерлар истеъмолчилар ҳуқуқларига оид саволларга атрофлича жавоблар олдилар.

Жумладан, брифинг давомида Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Фарғона вилоят ҳудудий бирлашмаси ҳамда унинг қўйи тузилмалари ҳисобланган туман ва шаҳар жамиятлари томонидан ўтган 2023 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва соҳага оид бошқа қонунлар ҳамда қонуности ҳужжатларини, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар ҳамда яқунланган йилдаги эришилган ютуқлар ва келгусидаги режалар ҳусусида соҳалар кесимида, аниқ мисоллар билан маълумотлар берилди.

Хусусан, ташкилотлар томонидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик тарғиботини олиб бориш мақсадида йил давомида 1371 та ёзма ва оғзаки тадбирлар ўтказилгани, булар натижасида тизим ташкилотларига 866 та мурожаатлар келиб

✓

САРҲИСОБ

ЙИЛ ЯКУНЛАРИ
БЎЙИЧА БРИФИНГ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ва Фарғона вилоят ҳоқими томонидан тасдиқланган медиа тадбирлар режасига асосан “Тизим ташкилотларида 2023 йил давомида истеъмолчиларнинг мурожаатлари билан ишлаш натижалари” мавзусида брифинг бўлиб ўтди.



тушгани ва 2022 йилга нисбатан уларнинг сони 103 фоизга ўсгани таъкидланди. Мурожаатларни ўрганиш натижасида 2 млрд. 77 млн. 914 минг 962 сўм маблағлар истеъмолчиларнинг фойдасига қайта ҳисоб-китоб қилинишига эришилди.

Мурожаатларнинг 649 таси ёки 75 фоизи тизим ташкилотлари-

га тўғридан-тўғри ёзма, оғзаки ва электрон шаклларда келиб тушган бўлса, 199 та ёки 23 фоиз мурожаат Федерация марказий апаратидан, 18 та мурожаат эса Ҳукумат идораларидан юборилган мурожаатлардан иборат бўлди. Мурожаатларнинг 844 таси ёки 97,5 фоизини ижобий ҳал қилишга эришилди.

Юқорида қайд этилган рақамлар шуни кўрсатадики, юртимизда истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясига катта эътибор қаратиляпти. Бундан англаш мумкинки, Ўзбекистонда ҳамма нарса – инсон қадри учун!

Х. АБДУЛЛАЕВ.

✓

ИНСОН ҚАДРИ – УЛУҒ

Юртимизда аҳоли саломатлигини таъминлаш, тиббий саводхонлик даражасини ошириш, шу билан бирга, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга олиб чиқиш борасида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу борада нафақат давлат ташкилотлари, балки нодавлат нотижорат ташкилотларининг саъй-ҳаракатлари ҳам таҳсинга лойиқ. Биргина «Саломатлик плюс экология» маркази ННТ ҳам ўзининг ташаббуслари ва турли лойиҳалари билан соҳа ривожини учун муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Хусусан, ушбу ННТ лойиҳаси асосида Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан молиялаштирилган 1 млрд. 400 млн. сўмлик давлат ижтимоий буюртмаси асосида Қўқон шаҳар туғруқ комплекси қошида “Репродуктив саломатлик маркази” ташкил этилди. Мавжуд туғруқ комплекси биносида ҳақиқатан ҳам сабабли, Қўқон шаҳар кўп тармоқли поликлиникасининг ўсмирлар бўлими биносига етарли шароитлар мавжудлиги ҳисобга олиниб, марказ мазкур бинога жойлаштирилди.

Репродуктив саломатлик марказига поликлиникадан 5 та хона ажратилиб, у ерда УЗИ, ўсмир қизлар гинекологи, терапевт-шифокор, эндокринолог каби тор доирадаги мутахассислар хизмат кўрсатмоқда.

Лойиҳанинг асосий ҳамкорлари бўлган Қўқон шаҳар ҳокимлиги ва Қўқон шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўмағида ўтган йилнинг октябрь ойида марказнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Репродуктив саломатлик марказининг УЗИ хонасига лойиҳа маблағи ҳисобидан 2 та УЗИ аппарати, 1 та замонавий стационар УЗИ доплери ва портатив УЗИ ап-



ТИББИЙ
МАРКАЗ –
АҲОЛИ
ХИЗМАТИДА

паратлари ўрнатилди. Ўсмир қизлар гинекологи хонаси ва терапевт, эндокринолог хоналари тиббиёт бирлашмаси томонидан жиҳозланди.

Марказ иш фаолиятини тўғри ташкил этиш ва аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида Қўқон шаҳар мактаблари ва шифокорлар рўйхати шакллантирилди, бирламчи тиббий кўриклар ўтказилди. Чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтган хотин-қизларнинг электрон базаси яратилди ва жами 378 нафар ўсмир қизлар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди.

Шу кунга қадар марказда ўсмир қизлар орасида “Тўғри овқатланиш ва камқонлик касаллигининг олдини олиш”, “Эрта никоҳнинг салбий оқибатлари”, “Ўсмир қизлар гигиенаси” мавзуларида 16 та семинар ўтказилди. Бундан ташқари, Қўқон шаҳридаги мактаб шифокорлари учун “Ўзбекистон болалари – барчамизники!” мавзусида семинар-тренинг ҳам ташкилланди.

Дилмурод ФОЗИЛОВ,
Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси Фарғона вилоят ҳудудий бўлими раҳбари.

Таҳлилларга кўра, ис газидан заҳарланиш ҳолатларининг аксарияти фуқаролар томонидан газ ва муқобил ёқилғи (кўмир, ўтин ва бошқа) турларидан фойдаланишда хавфсизлик чораларига риоя этмаслик, ностандарт (кўйбола ясалган) ёки сертифицикатга эга бўлмаган иситиш печлари ва анжомларидан фойдаланиш, газ ёки бошқа муқобил ёқилғига мослаштирилган иситиш печлари (анжомларини) дам олиш хоналарига олиб кириш, иситиш печларининг дудбурунларини нотўғри ўрнатиш, ҳаво алмашмайдиган хоналарни иситишда очиқ оловдан фойдаланиш ва ҳавонини алмаштирувчи шамоллатиш шахталари ёки туйнукларни беркитиб (тўсиб) қўйиш каби сабабларга кўра юзга келмоқда. Шунингдек, статистик маълумотларга кўра, дунёда ис газидан заҳарланиш туғайли содир бўладиган ўлим ҳолатлари алкоғол маҳсулотларидан заҳарланиш сабабли кузатиладиган ўлимдан кейин иккинчи ўринда туради.

Ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш мақсадида бутунги кунда вилоятимизнинг барча ҳудудларида амалий ишлар олиб боришмоқда. Ис газини ва унинг салбий оқибатлари тўғрисида аҳолига зарур бўлган ту-

✓

МУТАХАССИС ОГОҲЛАНТИРАДИ

КЎРИНМАС “ҚОТИЛ”ДАН
ОГОҲ БЎЛИНГ!

Қиш фаслида об-ҳаво ҳароратининг пасайиб бориши натижасида аҳолининг газ ва бошқа турдаги ёқилғида ишлайдиган иситиш мосламаларидан фойдаланишга бўлган эҳтиёжи ортиб бориши табиий. Албатта, бундай пайтларда иситиш мосламаларидан нотўғри фойдаланиш ҳамда хавфсизлик қоидаларига амал қилмаслик оқибатида инсонлар ис газидан заҳарланиши, ёнғинлар ва бошқа кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлиши мумкин.

шунча ҳамда тавсиялар берилмоқда. Бу борада Фарғона туманида ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилган. Аҳоли хонадонларида, маҳаллаларда, кўчаларда тарғибот тадбирлари ўтказилиб, фуқароларга келиб чиқадиган ёнғинлар ва ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш бўйича зарурий тавсиялар берилмоқда. Жумладан, туман фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари томонидан “Янги аср”, “Миндонобод”, “Тошқўрғон Азиз” маҳалла фуқаролар йиғинларидаги аҳоли хонадонларида “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” доирасида кенг қамровли профилактик тадбирлар олиб борилди.

Ис газини – кўринмас қотил. Ундан ўзингиз ҳамда яқинларингизни асранг!

Суннатжон ЮЛДАШЕВ,
Фарғона тумани ФВБ бошлиғи ўринбосари, майор.

ЭЪЛОНЛАР
ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!
«ДАВР ОРЗУ ФАЙЗ» оилавий корхонаси томонидан «Ризо» савдо номи билан ишлаб чиқарилган «ош тузи» маҳсулотини лабораториядан ўтказилганда, Давлат стандартлари талабларига мувофиқ эмаслиги аниқланган. Хурматли вилоятимиз аҳолиси Сиздан зудлик билан ушбу «ош тузи» маҳсулотини истеъмолдан тўхтатишингизни ҳамда маҳсулотдан зарар кўрган шахслар қуйидаги манзилга ёки (+99890) 272-19-17 рақамига кўнгирок қилишларини сўраб қоламиз. Фарғона вилояти, Қўштепа тумани, «Файз» МФЙ Қандолатчилар кўчаси.
«Давр Орзу Файз» оилавий корхонаси раҳбарияти.
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ ҚУЙИДАГИ БЎШ ЛАВОЗИМЛАРНИ ЭҒАЛЛАШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:
1. Доцент лавозимига – 4 ўрин. Яккакураш спорт тури назарияси ва услубияти кафедрасига – 1 та Кўпкураш спорт тури назарияси ва услубияти кафедрасига – 1 та Спорт ўйинлари назарияси ва услубияти кафедрасига – 1 та Жисмоний тарбия, спорт назарияси ва услубияти кафедрасига – 1 та
2. Катта ўқитувчи лавозимига – 4 та ўрин Яккакураш спорт тури назарияси ва услубияти кафедрасига – 1 та Кўпкураш спорт тури назарияси ва услубияти кафедрасига – 1 та Спорт ўйинлари назарияси ва услубияти кафедрасига – 1 та Жисмоний тарбия, спорт назарияси ва услубияти кафедрасига – 1 та
3. Ассистент лавозимига – 4 та ўрин Яккакураш спорт тури назарияси ва услубияти кафедрасига – 1 та Кўпкураш спорт тури назарияси ва услубияти кафедрасига – 1 та Спорт ўйинлари назарияси ва услубияти кафедрасига – 1 та Жисмоний тарбия, спорт назарияси ва услубияти кафедрасига – 1 та
Танловга ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш муддати – эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой. Манзил: Кимёгарлар кўчаси 9-уй. Телефон: (+998 90) 983-90-19, Телеграм: +998 90 983-90-19.